

Ойларнинг саййиди - Рамазон, уларнинг хўрмати, энг баланди зулҳижжадир



14:03 / 07 июнь 1437

نَا عَنْهُ لَلَّيْضَ رَبِّ اجْنَ عَو
هَلْ لَّيْلَ صِ هَلْ لَّوْسَر
لَضُفَا: لَقَمَّ لَسَوِ هِيْلَع
يَنْعِي رُشَعْلَا أَيُّ نَدَلَا مَائَا
رَأْبُلَا هَاوْرِيَّةَ جَلَا يذَرُشَع
حِيْحَصُّ هَدَنَسَو

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: «**Дунё кунларининг энг афзали ўн кунлик** (яъни, зулҳижжанинг ўн куни)**дир**»

Баззор ривояти. Ривоят санади саҳиҳ.

Уламолар зулҳижжанинг ўн кунлиги афзалми ёки Рамазоннинг охирги ўн кунлиги афзалми, деган масалада ихтилоф қилишган. Аллома Ибн Қаййим бу борада қуйидаги фикрни билдирган: «Рамазоннинг охирги ўнлигининг тунлари зулҳижжанинг аввалги ўн кечасидан афзалдир. Зулҳижжанинг аввалги ўн куни Рамазоннинг охирги ўн кунидан афзалдир. Арафа ва қурбонлик қилинадиган кун сабабидан зулҳижжанинг аввалги ўн куни афзал. Лайлатул қадр сабабидан рамазоннинг охирги ўн тун афзал саналади».

لَا أَقْبَىٰ رَدْخُلًا دِيَّ عَسَىٰ بَأْنَعُو
هَلَلًا يَلَصُّ هَلَلًا لُّسْرًا لَّاق
رُوهُ شَلَا دِيَّ سَيَّسَ مَلَسَ وَهَيْلَع
وَذَّةٌ مَّرْحَاهُمْ ظَعَانًا وَنَاضَمَرُ رُش
يَقْهَيْ بَلَا هَاوْرِيَّةٌ جَلَا
هُدَنَسَ وَرَكَاسَعٌ نُبَاوْرَا زَبَلَاو
فِي عَض

Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилади: «**Ойларнинг саййиди - Рамазон, уларнинг ҳурмати, энг баланди зулҳижжадир**».

Байҳақий, Баззор ва Ибн Асокир ривояти. Ривоят санади заиф.

Уламолар Рамазон ойи зулҳижжадан афзаллигини айтишган. Аслида ой ёки амаллар бир-биридан устун бўлади. Масалан, намоз рўзадан афзал. Бироқ бир кун рўза тутиш икки ракат намоздан яхшироқ.

Доримий ва Байҳақий саҳиҳ санад билан келтирган ривоятда айтилишича, Саид ибн Жубайр зулҳижжанинг ўн кунда ибодатга жидду жаҳд билан киришар, бошқа вақтда қилмаган саъй-ҳаракатини айнан шу ўн кунда қиларди.